

**ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ
АЖРИМИ**

(даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақида)

Ўзбекистон тумани

2023 йил 15 сентябрь

Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси И.С.Турсунов, Ш.Умаровнинг суд мажлиси котиблигида, Ўзбекистон савдо саноат палатаси Фарғона ҳудудий бошқармасининг палата аъзоси даъвогар “-----” масъулияти чекланган жамияти манфаатида, жавобгар “-----” фермер хўжалигидан 15984550,01 сўм дебитор қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзғатилган ишни, даъвогар вакили Р.Ходжаев (ишончнома асосида)нинг иштирокида, жавобгар иштирокисиз, суд ўз биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон савдо саноат палатаси Фарғона ҳудудий бошқармасининг палата аъзоси даъвогар “-----” масъулияти чекланган жамияти манфаатида судга даъво ариза киритиб, жавобгар “-----” фермер хўжалигидан 15984550,01 сўм дебитор қарздорликни ундиришни сўраган.

Жавобгар суд муҳокамаси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисига ундан вакил келмади.

Даъвогар вакили суд мажлисида тарафлар ўртасида тузилган медиатив келишувни тақдим этиб, даъвони кўрмасдан қолдиришни сўради.

Суд ишда иштирок этувчи тарафлар вакилини судда берган кўрғазмасини эшитиб, судга тақдим қилинган медиатив келишувни ўрганиб чиқиб, даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги Қонуни (бундан буён матнда – “Медиация тўғрисида”ги Қонун деб юритилади) 17-моддасининг иккинчи қисмида “Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви тақиқланиши белгиланган.

Шунингдек, “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига кўра, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо ёхуд мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари хусусида ўзаро макбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади.

Давлат органи ёки бошқа орган томонидан қайси шахснинг манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этилган бўлса, ўша шахслар мазкур давлат органининг ёки бошқа органининг иштирокисиз медиатив келишув тузишга ҳақли.

Тарафлар ўртасида 2023 йил 6 сентябрь кунги медиатив келишув Фурқат тумани Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юртиш маркази директори медиатор М.Хамидов иштирокида тузилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган.



Мазкур медиатив келишувда жавобгар “-----” фермер хўжалиги даъво аризада кўрсатилган 15984550 сўм асосий қарздорликни 1 ой муддат ичида яъни 2023 йил 6 октябрь кунига қадар даъвогарга тўлаб берилиши бўйича келишувга эришган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда - Иқтисодий процессуал кодекси деб юритилади) 107-моддасининг 5³-бандига кўра, тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдириши учун асос ҳисобланади.

Иқтисодий процессуал кодекси 108-моддасининг биринчи қисмида, даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида суд ажрим чиқаради, иккинчи қисмида суд ажримда ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги, давлат божини бюджетдан қайтариш ҳақидаги масалалар ҳал қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасига асосан даъво ариза олдиндан давлат божи тўловисиз иш юритивига олинган.

“Медиация тўғрисида”ги Қонуни 17-моддасининг олтинчи қисмига кўра, низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим, бундан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиатив келишув тузилган ҳоллар мустасно.

Юқоридагиларга кўра суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни, иш бўйича давлат божи ундирмасликни ва тўланган почта харажати даъвогар зиммасида қолдиришни лозим топади.

Бинобарин суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 108 ва 195-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон савдо саноат палатаси Фарғона ҳудудий бошқармасининг палата аъзоси даъвогар “-----” масъулияти чекланган жамияти манфаатида киритган 2023 йил 25 август кунги 53799-сонли даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

“-----” масъулияти чекланган жамияти томонидан тўланган 33000 сўм почта харажати унинг зиммасида қолдирилсин.

Ажримдан норози тараф бир ой муддат ичида апелляция тартибида шикоят беришга ҳақли.

Раислик қилувчи

И.С.Турсунов

